SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 21-SENTABR ■ SESHANBA ■ 115 (27.290) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш билан боғлиқ Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномаларининг лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов бўйича сайлов ҳужжатларининг намуналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси муҳрининг намунаси тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги низом, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов кампаниясида қатнашадиган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчилари тўғрисида»ги низом ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасининг лойиҳаси хусусида Марказий сайлов комиссияси котиби О.Соатов ахборот берди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

Баркамол авлод орзуси





## ЯНГИ ЎҚУВ МАСКАНИ

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар қилинмоқда. Жумладан, Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонида мактаб таълимини ривожлантиришнинг бир қатор устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Хусусан, ушбу Фармонда эски мактабларнинг ўрнига янгиларини қуриш, мавжуд мактаблар моддий-техника базасини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш назарда тутилган.

Айни пайтга қадар Қувасой шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфида 27 та умумтаълим мактаби мавжуд эди. Яқинда бу ерда яна бир замонавий мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Уни 82-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари бунёд этишди.

Барча қулайликларга эга мазкур ўқув даргоҳи 500 нафар ўқувчи таълим олишига мўлжалланган. Мактабда ўқув-лаборатория хоналари, замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синфлар мавжуд. Бундан ташқари, ошхона ва спорт зали ҳам ўқувчилар ихтиёрида.



**Суратларда:** бошланғич синф ўқитувчиси Дилафрўз Рискулова машғулот ўтаётган пайт; ўқувчи Моҳигул Султонова; Қувасой шаҳридаги 10-умумтаълим мактабининг умумий кўриниши.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ:

### ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда қонун чиқарувчи ҳокимият — Парламент фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ислоҳ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида миллий парламент тараққиёти учун жуда муҳим бўлган ғояни — икки палатали парламентни тузиш зарурлиги тўғрисидаги таклифни илгари сурган эдилар. Бу таклиф Олий Мажлис томонидан, кейин эса 2002 йилнинг 27 январида ўтказилган референдумда халқимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатда икки палатали парламент тузишни ёқлаб овоз берганлиги юртимизда ижтимоий-сиёсий турмушни демократлаштириш жараёнини яна жадаллаштиришга берилган мандат бўлди. Референдум қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир қатор қонунларни қабул қилди. Бу қонунлар янги икки палатали парламентга кўппартиявийлик асосида, демократик, адолатли ва эркин сайловлар ўтказилишини таъминлаш билан бирга янги парламентнинг ташкил қилинган кунидан бошлабоқ самарали фаолият кўрсатишига ҳуқуқий имкониятлар яратди. Бу борада қабул қилинган қонунларнинг таҳлили жаҳон парламентаризм тажрибаси ва умум эътироф этилган демократик тамойиллар ҳар томонлама ҳисобга олинганлигини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, давлат тузилишининг шакли қандай эканлигидан қатъи назар, демократик мамлакатларнинг аксариятида қонун чиқарувчи органлар икки палаталидир. Ҳозирда 70 дан ортиқ мамлакатда, жумладан жаҳоннинг ҳамма йирик мамлакатларида икки палатали парламентлар фаолият кўрсатмоқда. АҚШ, Буюк Британия, Италия, Франция, Швейцария, Япония каби ривожланган давлатларнинг икки палатали парламентлари бой тарихий тажрибага эгадир.

Икки палатали парламент мамлакатнинг турли минтақалари, кичик тузилмалари, олисда жойлашган қисмларининг манфаатларига кўпроқ риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади. Иккинчи палата қонунлар чиқариш жараёнида баъзан учрайдиган арзон шуҳратпарастлик, айрим гуруҳларнинг ёнини олиш ва енгил-елпи, тор доирадаги манфаатларга қарши турувчи ишончли воситалардан биридир. Икки палатали парламент тизими ижроия ҳокимияти билан қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги ортиқча тортишувларнинг олдини олади ҳамда парламент ва ҳукумат ваколатларининг аралашиб кетишига йўл қўймайди.

Қонун чиқарувчи олий органда иккинчи палатанинг тузилиши Ўзбекистон қонунларининг қабул қилинишига минтақаларнинг таъсирини сезиларли даражада оширади, парламент қабул қилаётган ҳужжатларда халқнинг хоҳиш-иродаси янада тўлиқроқ намоён бўлишига имкон беради ва шу билан бирга қонунчилик фаолияти сезиларли даражада ривожланиши учун қулайроқ имкониятлар яратади. Парламент ишида демократия ва фикрлар хилма-хиллиги кўпроқ намоён бўлади. Миллий давлатчилик институтлари тизими ўртасида парламентнинг нуфузи ортади. Умуман, икки палатали парламент тизимига ўтиш давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказади, фуқаровий жамият қуриш йўлида муҳим, шахдам одим бўлади.

Икки палатали парламентларда одатда биринчи палата — қуйи палата, иккинчи палата — юқори палата деб юритилади. Уларнинг номланиши, ташкил этилиш, услуби ва ваколат муддати турличадир. Масалан: Австрияда қуйи палата Миллий Кенгаш, юқори палата Федерал Кенгаш деб юритилса, Белгияда Вакиллар палатаси, Сенат, Буюк Британияда Жамоалар палатаси, Лордлар палатаси, Италияда Депутатлар палатаси, Республика Сенати, Норвегияда Одельстинг, Лагтинг, Россияда Давлат думаси, Федерация Кенгаши, Америка Қўшма Штатларида Вакиллар палатаси, Сенат, Францияда Миллий йиғин, Сенат, Германияда Бундестаг, Бундесрат деб аталади.

Барча давлатларда Парламентнинг қуйи палатаси одатда тўғридан-тўғри умумий сайловларда тўлалигича сайланса, юқори палатани ташкил этишда билвосита сайловлар, бир қисмини тайинлаш ва ротация, яъни юқори палата аъзоларини бир қисмини вақти-вақти билан алмаштириб туриш принципидан ҳам фойдаланилади.

АҚШ, Франция ва Япония каби давлатларда юқори палата аъзоларининг маълум бир қисми палата ваколати муддатида янгиланиб борилади. Буюк Британия, Италия, Белоруссия, Қозоғистон ва бошқа қатор давлатларда юқори палата аъзоларининг бир қисми давлатнинг олий мансабдор шахси (президент, қиролича) томонидан тайинланади.

Юқори палатани шакллантиришда АҚШда тўғридан-тўғри сайлов усулидан фойдаланилса, Францияда Сенат аъзолари асосан уч, бир қисми эса икки поғонали сайловларда сайланади.

Испанияда 252 сенатор бўлиб, унинг 208 таси тўғридан-тўғри сайловда сайланса, 44 таси автономияларнинг қонунчилик йиғинлари томонидан тайинланади.

Ўзбекистонда ташкил этилажак парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакиллик органи бўлиб, икки палатадан — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата)дан иборат бўлади. Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, ўзининг ташкил этилиш тартиби ва амалга ошерадиган ваколатлари билан доимий асосда фаолият юритадиган, кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган депутатлардан ташкил топадиган Қонунчилик палатасидан тубдан фарқ қилади.

Сенат аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланадилар. Бу қўшма мажлислар ҳар бир ҳудудда алоҳида-алоҳида ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикасида ўтказиладиган қўшма йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари, вилоятларда эса халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари қатнашади. Тошкент шаҳрида сенаторни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ўзларининг ораларидан сайлайдилар.

2-бет

Ислоҳот одимлари

## МУЛКДОРЛИК САРИ ЙЎЛ

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи — мамлакатимизда кичик ва ўрта мулкдорлар синфининг шаклланишига пойдевордир. Президентимизнинг халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида шу ҳақда ҳам гап борди**

Ўн уч йилдирки, мамлакатимизнинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир фуқароси мустақиллик йилларида маънавий ҳаётимизда рўй берган уйғониш даври таъсирида яшаб, уйғонган ҳаёт ҳаяжони билан тер тўкмоқда, ишламоқда. Зеро, бошланган ислоҳотларнинг эркинлашуви ва чуқурлашуви, миллий валютамизнинг мустаҳкамланиб боруви, хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юклари босқичма-босқич камаюви, четдан олиб кирилаётган сармояларга кенг йўллар очилиши, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожига муайян рағбат берилуви — ҳаммаси уйғониш йиллари мевасидир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳномалигида ҳукуматимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантиришга қанчалик катта эътибор бераётганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Уларнинг ҳуқуқий асослари такомиллашиб, расмиятчиликдан реаллик сари амалий саъй-ҳаракатлар бўлаяпти.

Масалан, уларга биргина солиқ соҳасида берилган имкон — кўрсатилган рағбатни олинг: Ўзбекистон Республикасининг **«Хусусий корхона тўғрисида»**ги қонуни уларга икки марта солиқ солишни истисно қилди. Хўжалик юритувчи субъектларни кичик корхоналар қаторига киритди. Уларни рўйхатга олиш тартиблари соддалаштирилди. Бугунги кунда — 270,6 мингта кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатиб, имтиёзли кредитлар билан рағбатлантирилмоқда. Натижада кичик корхоналарнинг ЯИМ — ялпи ички маҳсулотдаги улуши жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ 29,1 фоизни ташкил этди.

Бу рақамлар, шубҳасиз, айни шу кичик корхоналардан ягона солиқ бўйича тушумларнинг босқичма-босқич кўпайиб боришини таъминлаяпти. Йилимизнинг дастлабки олти ойида уларда ягона солиқ тушумлари 33 миллион сўмни ташкил этгани соҳада ижобий силжишлар кўзга ташланаётганидан яққол далолат. Зотан, бу — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 фоиз кўпдир.

Яна бир муҳим жиҳати, кичик бизнес корхоналарида ҳозир 5,5 миллион нафар атрофидаги юртдошларимиз меҳнат қилаяптилар. Бу — мамлакатимизда иш билан банд бўлган одамларнинг 57 фоизини ташкил этади. Шу ўринда биргина 2003 йилдаёқ тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 375 мингта янги иш ўринлари ташкил этилганлигини айтиб ўтиш кифоя.

Агар келтирилган бу мисолларни қиёслаб таҳлил қилсак, макро ва микро ҳисоб-китобларга кўра, яқин 5-10 йил ичида ялпи ички маҳсулотларнинг 50-60 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тўғри келиши тахмин қилинмоқда.

Шундай бўлмоғи ҳам керак. Чунки, соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг муҳим манбаларидан бири бўлиб бормоқда. Даромаднинг ўсиши эса, табиийки, ҳар қандай мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни вужудга келтиради. Бу дегани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи келажакда республикамизда кичик ва ўрта мулкдорлар синфининг шаклланишига пойдевор бўлади.

Айни шу ўринда бир истак ҳам бор. Президентимиз халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида **«... Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат ва бошқарув органларининг ноқонуний аралашуви ҳанузгача давом этмоқда»,** — деб куюниб таъкидладилар. Бу ҳол республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам учраётгани сир эмас. Шу боисдан, **айрим мансабдор шахслар маблағлардан нотўғри фойдаланиш ҳолатларига йўл қўймасликлари йўлида назорат идоралари ноқонуний аралашувлар учун қонуний жавобгарликни кескин кучайтиришлари** керак, деган истакдаман. Шундагина, мулкдорлик сари олиб борувчи йўл — бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини амалиётга реал жорий этган бўлардик.

**Улуғбек ИМОМОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг магистри**

## МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайловолди кампанияси бошлангани муносабати билан хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев икки палатали парламентга сайлов ўтказиш билан боғлиқ масалаларга журналистларнинг эътиборини жалб этди. Сайловларнинг очиқ, ошкора ўтиши сайлов қонунчилигида кафолатланганлигини таъкидлади. Шунингдек, сайловолди кампаниясини ёритиш бўйича Матбуот марказининг раҳбари этиб Шерзодхон Қудратхўжаев тайинланганлигини маълум қилди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 21 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 725,45 | 1 Польша злотийси | 292,15 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1858,85 | 1 СДР | 1520,96 |
| 1 Дания кронаси | 169,96 | 1000 Туркия лираси | 0,68 |
| 1 БАА дирхами | 282,70 | 1 Швейцария франки | 817,36 |
| 1 АҚШ доллари | 1038,29 | 1 ЕВРО | 1263,18 |
| 1 Миср фунти | 166,93 | 10 Жанубий Корея вони | 9,05 |
| 1 Исландия кронаси | 14,49 | 10 Япония иенаси | 94,42 |
| 1 Канада доллари | 799,18 | 1 Россия рубли | 35,53 |
| 1 Хитой юани | 125,45 | 1 Украина гривнаси | 195,56 |
| 1 Малайзия ринггити | 273,27 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## «IWER-2004» ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Т.Ботирбеков). «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш — IWER-2004» мавзуида халқаро семинар бошланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва АҚШ Қуролли Кучлари Марказий Қўмондонлиги ўртасидаги 2004 йилга мўлжалланган икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик режаси доирасида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва АҚШ Луизиана штатининг Миллий гвардияси анжуман ташкилотчиларидир. Унда Ўзбекистон, АҚШ, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари иштирок этмоқда.

Тўрт кунга мўлжалланган ушбу анжуман назарий ва амалий машғулотлардан иборат. Унда ўзбекистонлик ҳамда америкалик экспертларнинг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича маърузалари тингланади, амалий машғулотлар ўтказилади.

Анжуманнинг дастлабки кунида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси вакилининг темир йўлда содир этилиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда компаниянинг авария-тиклаш тузилмалари ҳаракатлари ҳақидаги маърузаси тингланди.

«Жанубий» темир йўл вокзалида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг авария-тиклаш тузилмалари, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Қутқарув хизмати» ва Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази шахсий таркиби ҳамкорлигида темир йўл транспортидаги авария ҳалокати оқибатларини бартараф қилишга бағишланган махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Юнусов иштирок этди.



**Суратда:** машқ пайтидан лавҳа.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ:

## ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Бу юқорида кўрсатганимиздек халқаро тажрибага мутлақо мос келади. Президент томонидан тайинланадиган сенаторлар одатда бирон-бир халқ депутатлари Кенгашининг депутати бўлмайди. Бу Президент депутатни сенаторликка тайинлай олмайди дегани эмас. Президент юқоридаги талабларга жавоб берадиган ҳар қандай шахсни шу жумладан, депутатни ҳам сенаторлик лавозимига тайинлаши мумкин. Қонунчилик палатасининг депутати сенат аъзолигига сайланиши мумкин эмас. Агарда у Президент томонидан Сенат аъзолигига тайинланган тақдирда унинг депутатлик ваколати тугатилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги қонуннинг 8- ва 9-моддаларида Сенатнинг асосий ваколатлари белгилаб қўйилган. Сенатнинг ваколатларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга Сенатнинг Қонунчилик палатаси билан биргаликдаги ваколатлари, иккинчи гуруҳга эса фақат Сенатга хос бўлган, Сенатнинг мутлақ ваколатлари киради.

Сенат ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатлари жумласига: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш; ҳокимият тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш; Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига ўзгартиришлар киритиш; Давлат бюджетини тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш каби давлат ва жамият ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи масалалар киритилган.

Кўрсатилган ва бошқа масалалар дастлаб Қонунчилик палатасида кўриб чиқилиб, у юзасидан қарор қабул қилингач, масала Сенатнинг муҳокамасига киритилади.

Қонунни қабул қилиш, бу жараёнда Қонунчилик палатаси ва Сенат ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчиликларни бартараф қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун у қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирилмасдан Сенатга юборилади. Сенатга қонун билан биргаликда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган материаллар ҳам юборилади.

Сенатга Қонунчилик палатасидан келиб тушган қонун Сенат Раиси томонидан қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлаш учун тегишли масъул қўмитага топширилади. Қўмита қонунни кўриб чиқишда зарур ҳолларда экспертлар, олимлар, амалиётчилар ва жамоатчилик вакилларини ҳам жалб этиши мумкин.

Масъул қўмита қонунни кўриб чиқиб, уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида асослантирилган хулсоа тайёрлайди. Тайёрланган хулоса Сенат Кенгашига тақдим этилиб, Кенгаш қонунни кўриб чиқиш масаласини Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенатнинг ялпи мажлисида Қонунни кўриб чиқиш масъул қўмита томонидан тайёрланган хулосани ўқиб эшиттиришдан бошланади. Кўриб чиқилаётган қонун муҳокамасида ҳар бир сенатор эркин қатнашиб, қонунни ёқлаб ёки уни рад этишни асослаб сўзга чиқиши мумкин.

Оддий қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан маъқулланади. Конституция ва Конституциявий қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни Сенат томонидан маъқулланиши учун эса сенаторлар умумий сонининг мутлақ кўпчилик яъни, учдан икки қисмининг овози талаб этилади.

Сенат қонунни маъқуллаган тақдирда уни имзолаш ва эълон қилиш учун Сенатнинг қарори билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентига юборади.

Сенат қонуни маъқулламаган тақдирда уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарорда қонунни рад этиш асослари албатта кўрсатилиши шарт. Шу билан биргаликда Сенат қарорда қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги, келишув комиссияси тузиш ҳақидаги таклифларни ҳам баён этиши мумкин.

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан келишув комиссияси тузиш тўғрисидаги ташаббус Сенат Раисидан, Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисмини ташкил этувчи сенаторлардан ёки қонунчилик палатаси Спикеридан, шунингдек, Қонунчилик палатасида фаолият юритаётган фракциялар ва депутатлар гуруҳларидан чиқиши мумкин.

Сенат ва Қонунчилик палатаси ўртасида келишув комиссиясини тузиш тўғрисида тўхтамга келинганда бу комиссия Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида ташкил этилади.

Тузилажак келишув комиссияси фаолиятининг самарали бўлиши кўп жиҳатдан унинг таркибига киритиладиган аъзоларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам келишув комиссияси таркибига киритишга тавсия этилажак номзодлар юзасидан Сенат раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказишлари мумкин.

Келишув комиссиясининг Сенат томонидан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан, Қонунчилик палатасидан кўрсатилган таркиби эса палата мажлисида тасдиқланади.

Комиссия ишини ҳамраислар ташкил қилади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар.

Келишув комиссияси Сенатнинг қонунни рад этишга асос бўлган ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида ҳар томонлама кўриб чиқиб, Қонуннинг Сенат эътироз билдирган нормаларининг ҳар иккала тараф учун мақбул бўлган таҳрирдаги ягона матнини ишлаб чиқиши лозим.

Келишув комиссиясининг қонуннинг янги таҳрирдаги ягона матни юзасидан қарори келишув комиссияси таркибига кирган Қонунчилик палатасининг депутатлар ва сенаторларнинг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор хулоса шаклида қабул қилиниб, у келишув комиссияси ҳамраислари томонидан имзоланади.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилиб, келишув комиссиясининг таклифларигина муҳокама этилади. Қонун келишув комиссиясининг таҳририда қабул қилинса, у маъқуллаш учун Сенатга юборилади. Агарда Сенат қонунни келишув комиссияси таҳририда маъқулламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Сенатнинг мутлақ ваколатлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида белгиланган бўлиб, улар жумласига Сенат раисини ва унинг ўринбосарини, қўмиталарнинг раисларини ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик судини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини ҳамда марказий банк бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уларни лавозимдан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш каби ваколатлар киради.

Сенат шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни ҳам қабул қилишга ҳақли.

Сенат ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ва Марказий банк бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитади ва бу ҳисоботлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади.

Сенатнинг мутлақ ваколатлари жумласига Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш ва ўз фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан турли қарорлар қабул қилиш ҳам киради.

Сенатнинг фаолиятини ташкил этиш, ўз ваколатига кирадиган масалаларни кўриб чиқишнинг асосий қоидалари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунда белгиланган.

**Умида ТЎХТАШЕВА,**
**ТДЮИ ўқитувчиси**

# АСОСИЙ ВАЗИФА —

## ЎЗБЕКИСТОН СУДЬЯЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ РАИСИНИНГ

**— Судьялар ассоциациясининг ташкил топганига роппа-роса 7 йил бўлди. Ҳарқалай, оз муддат эмас. Ассоциация ўтган давр мобайнида ўз олдига қўйилган вазифаларни қай даражада уддалади? Унинг судьялар фаолиятидаги бугунги ўрни қандай?**

— Ўзбекистон судьяларининг ихтиёрий, нодавлат, нотижорат ташкилоти бўлган Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси шахсан Президентимизнинг таклифи билан 1997 йил 12 сентябрда Ўзбекистон судьяларининг таъсис съездида ташкил этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Судьялари ассоциациясининг таркибини Марказий кенгаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиаллар ташкил этади. Унинг олий органи 5 йилда бир марта чақириладиган съезд ҳисобланади. Съезддан съездгача Ассоциациянинг барча иш фаолиятини сарҳисоб қилиб борадиган Марказий Кенгаш ҳисобланади. Ассоциациянинг энг муҳим вазифалари — республикада суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашда ўз таъсирини кўрсатиш (кўмаклашиш), судьялар малакасини ошириш, судьяликка кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш, судьяларни ҳимоялаш, қонунлар лойиҳасини тайёрлаш ва қонунларни тарғиб қилишда фаол иштирокдан иборат.

Ўтган йиллар давомида тўла ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси қайсидир маънода ўз мавқеини топа олди. Тўғри, барча вазифалар аъло даражада бажарилаяпти дейиш бирмунча нотўғри бўлар. Лекин Ассоциация судьяларимиз ҳаётида, умуман суд тизимида ўз ўрнига эга бўлди.

Ассоциация фаолиятининг дастлабки беш йиллиги 2002 йилнинг 20 сентябрида ўтказилган II съездда қониқарли деб топилган бўлса-да, унга танқидий баҳо берилди. Съездда кўпгина судьялар сўз олиб, Судьялар Ассоциациясини келажакда қандай тасаввур қилишларини, эътиборни суд тизимидаги муаммоларнинг қайси томонларига қаратиш лозимлигини ва қайси вазифаларни зудликда бажариш кераклиги хусусида фикр билдирдилар. Съездда билдирилган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ўзининг асосий йўналишини белгилаб олди. Биринчи съездда тасдиқланган Судьялик этикаси қоидалари янги таҳрирда Ўзбекистон судьяларининг одоб-ахлоқ қоидалари сифатида қабул қилинди. Бугунги кунда эса Ассоциация ушбу қоидаларни кодекс даражасига олиб чиқиш борасида иш олиб бормоқда.

Ассоциация ўз олдига қўйган вазифаларни самарали бажариш мақсадида Марказий Кенгаш ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи Судьяларни ижтимоий ҳимоялаш ишлари бўйича, Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва судьяларнинг малакасини ошириш бўйича, Филиаллар билан ишлаш бўйича, Одоб-ахлоқ қоидалари ва оммавий ахборот воситалари билан ишловчи комиссияларни ташкил этди.

Ассоциациянинг аввалги жойлашган жойи ишлаш учун ноқулай бўлганлиги, ходимлар учун умуман шарт-шароит бўлмаганлиги сабабли янги жойга кўчиб ўтилди. Янги бинода 500 квадрат метрдан ортиқ жой таъмирланиб ишлаш учун шароитлар яратилди, хоналар тегишли мебель ва бошқа зарур буюмлар билан жиҳозланди, ходимларимиз имкон даражасида тегишли техника билан таъминландилар. Имкониятдан фойдаланиб, Конституциявий суд, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристларнинг малакасини ошириш маркази раҳбариятига миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Улар барча масалаларда Ассоциацияни қўллаб-қувватлаб келишмоқда, ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Ассоциациянинг жойлардаги филиаллари иш фаолиятини такомиллаштириш учун «Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси Марказий Кенгаши, ҳамда филиалларининг иш фаолияти тўғрисида»ги Низом қабул қилинди ва жойларга юборилди. Ҳозирги кунда барча вилоятларда Ўзбекистон Судьялари ассоциациясининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, мазкур мажлисда таркиби 8 кишидан иборат «Судья хотин-қизлар ишлари билан шуғулланувчи» комиссия ташкил этилди.

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан юборилган бир қатор қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳам фаол иштирок этиб, қонунчилик ҳужжатлари бўйича ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини билдириб келмоқда.

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ўз вазифасини бажарар экан, судьялар, прокурорлар, адвокатлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда семинар ва халқаро конференцияларда фаол иштирок этди. Жумладан, Ассоциация Америка Юристлар ассоциацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда суд мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигига эришиш, ярашув институтининг ташкил этилиши ва унинг амалиётдаги ижобий роли ҳамда судьяларнинг малакасини ошириш масаласида семинар ва давра суҳбатлари ўтказди.

Шу билан бирга Судьялар Ассоциацияси 2003 йилда кўпгина чет эл Халқаро ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини самарали тарзда олиб борди. Жумладан, Америка Юристлар ассоциациясининг яқин ҳамкорлигида ЮСАИД ташкилотининг кўмаги билан 8 нафар Ўзбекистон судьялари АҚШга бориб, суд тизими ва этикаси масалалари бўйича тажриба алмашиб қайтдилар.

АҚШга бориб келган судьялар ҳамда Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Тошкент шаҳар ва вилоят судлари судьялари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Бундай давра суҳбатлари барча вилоятларда ҳам ўтказилди ва тегишли таклифлар, фикр-мулоҳазалар очиқ муҳокама қилинди. Давра суҳбатларидаги фикр-мулоҳазалар ва тушган таклифлар таҳлил қилинганда шундай хулосага келиндики, Ўзбекистон судьялари съездида қабул қилинган «Ўзбекистон судьяларининг одоб-ахлоқ қоидалари»ни халқаро меъёрларга мос келадиган тартибда янада кенгроқ қилиб ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ экан. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ушбу қоидаларни «Ўзбекистон Судьяларининг касбий этика кодекси (қоидалари)» номи билан янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқмоқда.

Суд тизимидаги одоб-ахлоқ, маданият мавзуларига бағишланган «Одил судлов маданияти ва одоби» деб номланган рисола Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ходимлари томонидан тайёрланиб нашр этилди. 2004 йилдан бошлаб, ҳар йили икки марта чоп этилиши лозим бўлган Ўзбекистон Судьялари ассоциациясининг Ахборотномасини чиқариш йўлга қўйилди ҳамда ушбу нашрлар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда хизмат қилувчи ходимларга етказиб берилди.

# ПАРТИЯМИЗ ФАОЛИ БОШ БЎЛГАН ХЎЖАЛИКДА



Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги академик Саримсоқов номли ширкат хўжалиги деҳқонлари пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартномавий режаларини бажариш арафасида турибдилар. Мавжуд 550 гектар пахта майдонидан 1600 тоннадан зиёд пахта териб олинди ва қайта ишлаш корхонасига топширилди.

— Ўтган йили пахтачиликда ҳосилдорликни 42 центнердан оширган эдик. Бу йил насиб қилса, 45 центнерга етказмоқчимиз. Деҳқончиликдан 1 миллиард сўм даромад олишни кўзлаб турибмиз, — дейди хўжалик бошқаруви раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси Ўрмонжон Бозорбоев.

✧✧✧

**Суратда:** Ўрмонжон Бозорбоев.
**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан*

# ПАРТИЯНИНГ КУЧИ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛЛИГИДА

Суҳбатдошимиз — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ҳонқа туман кенгашининг биринчи котиби, партия Марказий Кенгаши аъзоси Ўктамбой СОБИРОВ

**— Кейинги пайтларда вилоят туманлари партия ташкилотларида жонланиш сезилмоқда. Туман ташкилотининг бугунги фаолияти, амалга оширилаётган асосий ишлар ҳақида тўхталсангиз?**

— Аввало, шу ерда иш бошлаганимга эндигина 8 ой бўлаётганини айтиб қўяй. Илгари бошланғич партия ташкилотига котиблик қилган бўлсам-да, кенгаш ходимлари оддий партия аъзоларидан бироз узоқлашганликларини сезмаган эканман. Апрель-май ойларида бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тан олишга тўғри келди. Партия аъзолари бошланғич ташкилотлар фаолиятига холисона баҳо бердилар. Уларнинг фикр-мулоҳазалари, талаб, таклиф ва истаклари ўрганилди. Партия аъзоси эканлигини унутган масъул ходимлар билан бафуржа суҳбатлашдик.

Ҳақиқатни айтганда, ташкилотимиз ишларини эндигина оёққа турғаздик. Бошланғич ташкилотлар билан алоқалар мустаҳкамланяпти. Фаолликка интиляпмиз, лекин бу ишлардан қаноат қилиш учун ҳали ишлаш ва яна кўпроқ ишлаш керак, деб ҳисоблайман.

Инсон манфаатларининг жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилган тамойиллари мавжуд. Инсон ҳуқуқлари ва уларни рўёбга чиқариш жамият тараққиётининг асосий мақсадларидан бири. Сиёсий партиялар ана шу мақсадга эришиш йўлидаги муҳим восита. Инсон манфаатлари турли-туман йўналиш, шакл ва кўринишларда намоён бўлади. Ҳамма гап кишилар ҳаётий фаолиятининг ушбу тенги йўқ ҳаракатлантирувчи кучини жиловлай олишда, уни инсонийлик измига сола билишда, эзгулик томон йўналтиришда.

Шу маънода ишлаш дегани елиб-югуришга, лозим бўлганда бировларни қўллаб-қувватлашга келиб тақалади. Аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилишда туман ҳокимлиги, ижтимоий таъминот бўлими, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қиляпмиз. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан белгиланган тадбирларга мувофиқ қатор тадбирларни амалга оширдик.

**— Шу йўл билан кенг омма орасига кириб борилмоқда демоқчисизда?**

— Ҳа. Лекин партиянинг оммавийлигини таъминлашга хизмат қилувчи бошқа воситалар ҳам мавжуд. Жумладан, кекса авлод вакиллари, ёшлар, хотин-қизлар иштирокида турли-туман тадбирлар ўтказилаётир. Умумтаълим мактабларининг битирувчилари билан «... Сени Ватан кутади» мавзуида учрашувлар ўтказилди. Унда меҳнат фахрийлари иштирок этиб, ўғил-қизларимиз касб танлашда адашмасликларини таъкидладилар. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақаларига ҳомийлик қилиб, ғолибларга эсдалик совғаларини топширишни анъанага айлантирганмиз. Бу эса Халқ демократик партиясининг нуфузини ошираётир, десак муболаға бўлмайди.

**— Сиёсий партиялар сайловлар арафасида туришибди, тараддуд қандай?**

— Бу галги сайловда сайловчилар овози учун ниҳоят даражада қаттиқ ва кескин рақобат юз беради. Сайловларга ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда пухта ва қизғин тараддуд кўрмоқдамиз. Ҳозирча сайлов бўйича дислокациялар тайёрланди. Унда сайловчилар сони, ҳудудий чегараланишлар аниқ-равшан кўрсатилган. Шаҳарча ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари томонидан сайлов ўтказувчи комиссиялар таркиби кўриб чиқилмоқда. Сайлов участкалари жойлаштириладиган бинолар таъмирланяпти.

Кенгашимиз томонидан депутатликка номзодлар танлаб, ўрганилаётир. Бошланғич партия ташкилотларимиз жойларда парламент сайловининг моҳиятини кенг кўламда тушунтирмоқдалар. Сайлов ким нимага қодирлигини кўрсатувчи имтиҳон эканлигини ҳис қиляпмиз.

**— Партия аъзолари ва фаоллари ҳақида фикрларингиз?**

— Бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилашлари муносабати билан партия аъзоларининг аниқ ҳисоб-китоблари йўлга қўйилди. Натижада аъзолик бадалларининг ундирилиши изга тушди. Ҳозир 3782 нафар аъзо 82 та бошланғич партия ташкилоти атрофига жипслашган. Кейинги 4 ой мобайнида сафимизга ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук ёшлардан 41 нафари қўшилди.

Партиянинг обрў-эътибори унинг аъзолари кимлар ва нималарга қодирликлари билан чамбарчас боғлиқ. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг ҳар бири партиямизнинг «кўзгу»даги аксидир. Ҳаётнинг ана шу ҳақиқатини дилимизга тугиб, фаолиятни жонлантириш ҳаракатидамиз.

**Суҳбатдош:**
**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ИФТИХОР ТЎЙИ

Намангандаги агротадбиркорлик коллежи республикамизга юзлаб малакали мутахассис кадрларни етиштириб берган муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Ушбу масканни битириб чиққан талабалар бугун турли соҳаларда меҳнат қилмоқда.

Яқинда мазкур коллежнинг 70 йиллик юбилейи нишонланди. Тантанали тадбирга кекса устоз-мураббийлар, коллежни битириб кетган собиқ талабалар таклиф қилинди. Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари А.Болтабоев бошқарди. Унда сўзга чиққанлар ўқув масканининг ибратга лойиқ фаолияти, бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси учун кадрлар тайёрланишидаги салмоғи хусусида тўхталдилар.

— 1934 йилда 82 нафар талаба билан иш бошлаган бу даргоҳда бугун 2300 нафар йигит-қиз 9 йўналишда таҳсил олмоқда, — дейди коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди Иброҳимжон Собиров.

Тадбирда ўқув масканида қатор йиллар фидойилик билан меҳнат қилган фахрий педагоглар номи эсланди, уларнинг оилаларига мурувват кўрсатилди. Талабаларнинг бадиий чиқишлари билан давом этган тадбир ўзига хос байрамга айланиб кетди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

# БАНК ЯНГИ БИНОДА

**Бухоро.** Вилоят марказида яна бир замонавий, осмонўпар иншоот —акционерлик-тижорат «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг вилоят филиали биноси қад кўтарди. Уни «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бинокорлари «Бухоро экспериментал лойиҳа институти» лойиҳачиларининг тархига кўра жуда қисқа муддатларда бунёд этдилар.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# РЕЖА 13 ИШ КУНИДА УДДАЛАНДИ

Сариосиё туманидаги «Сариосиё» ширкат хўжалиги меҳнаткашлари пешқадамлардан бўлиб, пахта тайёрлаш шартномавий режаларини уддалашди. Давлат қабул пунктларига 360 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Ушбу ютуқда Эргаш Бойматов, Неъмат Дўстов, Гулбаҳор Саидова, Зулфия Бобоназарова каби механизатор, сувчи ҳамда теримчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

— Ўн уч иш кунида режани ортиғи билан уддаладик, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Бахтиёр Раҳмонов. — Ҳали далаларимизда пахта кўп. Умумий ҳосилдорликни гектарига 45-50 центнерга етказмоқчимиз.

Хўжалик пахтакорлари бугунгача 41 миллион сўм фойда олишган бўлса, йил охиригача яна 200 тонна ҳосил йиғиштириб, соф даромадни 70 миллион сўмга етказишмоқчи.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

*Мулоҳаза ва таклиф*

# БИР ҒАЗАЛ ТАРИХИ

Қўшиқ — инсон қалбининг нидоси. Яхши ғазалга ёзилган дилрабо қўшиқ бастакору ижрочини мангуликка дахлдор қилади. Ўйлаб қарасак, шеър, куй, овоз сеҳри, уларнинг уйғунлиги инсон қалбини забт этади, уни эзгуликка етаклайди, гўё бу ёруғ дунёда умр лаҳзаларининг қайтмаслигини, унинг ташвиш ва қувончларини бутун вужудингиз билан ҳис этасиз. Лутфий, Навоий, Фузулий, Зебунисо, Нодирабегим, Муқимий, Фурқат каби атоқли шоирларимизнинг ғазалларига ёзилган қўшиқларни тинглаганда, ҳамиша кўнгилда завқ-шавқ туғён уради, санъатнинг бетакрор жозибаси, ажиб қудрати қанотида юксакларга парвоз қиласиз.

Мақтаниш эмас, халқ йўлида ижро этган қўшиқларим ҳар ҳолда элга манзур. Турли давраларда, мулоқот ва учрашувлар, ёшлар билан машғулотлар пайтида кўпчилик ижро услубим, қўшиқларимнинг яратилиши билан қизиқади. Айниқса, Лутфийнинг «Бу кўнгил», Фузулийнинг «Этмасмидим», «Дугоҳ», «Самарқанд ушшоғи»ни айтиб беришимни илтимос қилишади. Шунда мен ўзимда йўқ хурсанд бўламан, демак, умрим бекорга ўтмаган экан...

Яқинда шундай даврералардан бирида санъатсевар мухлислар «Ироқи Бухоро» деб номланувчи қўшиғимнинг қай тарзда яратилганини сўраб қолишди. Шу сабаб бўлди-ю, унинг дунёга келиши билан боғлиқ ажиб хотиралар кўз олдимда жонланди.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, бир куни машҳур ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг умр йўлдоши, ажойиб олима, дилбар аёл Кибриё Қаҳҳорова менга форсча бир ғазални кўрсатиб: «Саодатхон, мана шу ғазални фақат сиз ижро этишингиз керак», деб қолдилар.

Бундан жуда хурсанд бўлиб кетдим. Шоша-пиша ўқиб чиқдим, бу ғоят нодир ва ўйноқи ғазал эди. Унинг муаллифи — шоира Нодирабегимнинг кундоши, Амир Умархоннинг иккинчи хотини Тожидавлатбегим экан.

Ушбу ғазал ўзбекчага ўгирилганда қуйидаги гўзал матн пайдо бўлди:

***Сабога тутсам агар зулфи анбаросони,***
***Асири дом этардим ғизоли саҳрони.***

***Агар бу наргиси шаҳлога сурмалар суртсам,***
***Куни қора бўлур эрди жаҳонда Лайлони.***

***Карашма бирла қатли ом қилурман, бешак***
***Ва тийра кокга яксон бу жумла дунёни.***

***Ярим ғамза ила мурдага бағишлай жон,***
***Бу сеҳру жодудан огоҳ этинг Масеҳони.***

***Агар йўлим мани тушса гаҳо калисога,***
***Кўрарди мумини олам нигори тарсони.***

***Бу шаҳни Тожу давлати кесбо эрурман хуб,***
***Сабо бу атрдин огоҳ айла шаҳаншони.***

Ғазал ўша вақтда республика радиосининг Юнус Ражабий бошчилигидаги мусиқа ансамбли томонидан «Ироқи Бухоро» куйига солинди. Қарангки, у худди ана шу куйига мослаб ёзилгандай бўлиб, ижро этилганда мусиқа ва матн уйғунлашиб, ўзгача оҳанг касб этди. Кейин ушбу қўшиқ магнит тасмасига ёзиб олинди.

...Ўшандан бери қанча йиллар ўтиб кетди. Яқинда радиода мен билан очиқ мулоқот ўтказилди. Эшиттириш давомида «Ироқи Бухоро» куйига басталанган ўша қўшиқ эфирга берилди. Қўшиқ тугагач, кетма-кет қўнғироқлар бўла бошлади. Жумладан, бухоролик бир мухлис ушбу ғазални қаердан олгансиз, деб сўраб қолди.

Афсуски, ғазалнинг қай тарзда етиб келганини ўша вақтда Кибриё Қаҳҳоровадек доно аёлдан сўрамаган эканман. Шу сабаб бўлди-ю, ўзим ҳам унинг тарихини билишга қизиқиб қолдим. Бироқ қанча ҳаракат қилмай, шу пайтгача бирор жўяли маълумотни учратмадим. Адабиётшунос олимлар ҳам негадир бу масалада аниқ жавоб айтишолмади. Эҳтимол, Тожидавлатбегимнинг ижоди ҳали етарли ўрганилмагандир. Шу боис тадқиқ этишга муҳтождир?.. Аммо нима бўлганда ҳам, ўша ғазал ҳамон менинг шахсий хазинамда сақланмоқда, ижро этилган қўшиқ ҳам...

**Саодат ҚОБУЛОВА,**
**«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби**

*Ҳикматли сўзлар маъноси*

## СЕМИЗ ҚЎЙНИНГ УМРИ ҚИСҚА

«Ориқ боқилар, семиз сўйилар»; «Семиз қўй пичоққа бот учрайди»; «Семиз қўй ўзини қанорада кўради». Одатдаги қўй семирди дегунча, дарҳол уни сўядилар, умри қисқа бўлади. Ориқ бўлса, яна бироз боқиб, семиртириб, кейин сўядилар. Юқоридаги мақолларнинг тўғри маъноси шуни ифода этади. Мажозан эса: «Хиёнаткорлик, жиноятчилик, «эгри қўл»лик, юлғичилик, порахўрлик ва шу каби нопок, ҳаром-хариш йўллар билан топилган пуллар ҳисобига бот фурсатда бойиб, «ошиб-тошиб», «семириб», босар-тусарини билмай қоладиган одамнинг бу «даври-даврони» узоққа чўзилмайди, қилмишлари ошкор бўлиб, қўлга тушиб, шармандаси чиқиб, тегишли жазосини олади», деган маънода қўллайдилар.

**Саид АҲМАД,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

*Хотира*

# ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ

Ўзбекистон ёзувчиларининг пленумида ҳамманинг назарида гўё адабиётимизда қўлга илинадиган ҳеч нарса йўқ, деб турганларида катта, мўътабар минбардан туриб Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» ҳамда «От кишнаган оқшом» қиссалари кейинги йилларда яратилган асарларнинг энг яхшиси деб баралла айтганман.

Буни Тоғай ўлимидан роппа-роса бир ой аввал «Маърифат» газетаси мухбири, журналист Ҳулкар Тўймановага берган интервьюсида миннатдорлик билан эслайди.

«Ҳурматли ёзувчимиз Саид Аҳмад бир китобингизда ёзган сўзбошида «Тоғай Мурод адабиётга тутаб эмас, ёниб кирди» деб ёзди. Сиз ушбу баҳони қанақа қабул қилдингиз, деган саволга шундай жавоб қилади:

«Мен бу гапни Саид Аҳмадона мардлик ва ҳалоллик, деб қабул қилдим. Айрим адиблар асаримни ўқиб «Қадам олишингиз ёмон эмас», «Тенгдошларингиздан кам эмассиз», «Анаву асарингизни ўқиса бўлади», қабилида ёқтирмагансимон гаплар қилди. Ҳатто «Адабиётга аралашиб қолибсиз? Оббо сиз-е...», дегувчи ёзувчилар ҳам бўлди. Саид Аҳмад эса «Тоғай Мурод ўзбек тилини куйлатди. Ўзбек тилининг жами жилваларини офтобга солиб кўрсатди», деб ёзди. Ҳар бир асаримни ҳалоллик билан кўз-кўз этиб улуғлади. Саид Аҳмад ана шу ҳалоллиги, ана шу мардлиги учун, мана, тўқсон ёшни қоралаб бораяпти».

Болхин момонинг эри Сурхон Ақраб ҳали ҳам Шўро билан олишиб ётибди. Бойликларни Москов томон ташиб кетаётган Шўронинг ҳали у еридан, ҳали бу еридан ўққа тутаяпти. Ҳалигача оқ-қорани фарқ қилмайдиган ўғли Деҳқонқул эса тупроқни ялагудек бўлиб, бурни ерга теккунича жонини жабборга бериб ишлаяпти. У фақат ишлашни билади. Ҳосилни ким олаяпти, бу билан иши йўқ. Иш мени бахтли қилади, деб ўйлайди, **бу содда Ўзбак.**

Болхин момо бундан буёғига рўшнолик кўрмаслигини билади. Шўрога ўқ узган босмачининг неваралари энди оёқ остида ўксиб яшашга маҳкум, деб билади. У бутун танини нафрат, алам, изтироб жингиртоб қилиб ташлаган ожиз-нотавон бир кимса бўлиб қолади.

Болхин момо худди мана шу қиёфада адабиётда пайдо бўлди.

Деҳқонқул хотинининг ўзига ўт қўйганини сохта ҳужжатлар билан расмийлаштираётган район катталарига қарши боради. «Бу хотин гулхан ёнидан ўтаётганида тасодифан ёниб кетган» деган ҳужжатни кўриб ғазабга келади, исён кўтаради.

Район раҳбарлари энди Деҳқонқулнинг ўзига ҳужум бошлайдилар. Туҳматчи сифатида уни қамоққа тиқадилар.

Гдлянчи-ивановчилар ҳўлни ҳам, қуруқни ҳам баробар ёндираётган пайтлар эди. Деҳқонқул қамоқхонада инсон боласи чидаб бериши қийин бўлган азобларга гирифтор бўлади. Терговчилар унинг «содда»лигидан фойдаланмоқчи бўлиб, район, область, республика раҳбарларига туҳмат уюштирмоқчи бўладилар.

Кўпинча Деҳқонқулнинг даласига раҳбарлар келиб туришар, қилаётган ишларидан ниҳоятда қувонардилар. Мукофот тариқасида, шу бола ҳам дунё кўрсин, одам танисин, деб пленумларга, қурултойларга чақиришарди. Озми-кўпми мукофотларга ҳам лойиқ кўришарди.

Энди терговчилар унга раҳнамо бўлган раҳбарларни илинтириш пайига тушадилар. Палон вазирга қанча пора бергансан, палон секретарга нима совға қилгансан, деб талаб қила бошлайдилар. Ўзи содда бўлгани билан иродаси кучли Деҳқонқул уларга бўйин бермайди.

Охири шу бўладики, бегуноҳ покиза инсон узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, белгисиз «борса келмас» томонларга юборилади.

Деҳқонқул охирги марта даласига қарайди. Қувонч билан, бу йил пахта мўл бўлади, деб юборади.

Оёғинг ҳам, ризқ-насибанг ҳам бу далалардан узилган. Энди «жавлон» урган далаларингни, болаларингни кўрмайсан. Дунёдан «тўйган» онангни ўйласангчи, деб қичқиргинг келади.

Ҳосил кўп бўлса колхоз бадавлат бўлади, одамлар тўқ бўлади... деб кўнглидан ўтказяпти шекилли...

**Э, содда ўзбак,** сен қачон бадавлат бўласан, қачон болаларингнинг қорни тўйди, дегинг келади.

Йўқ, Деҳқонқул бу гапларга тушунмайди. Шу далаларни ҳамон ўзиники, ўзини эса шу далаларники, деб билади.

Сўз устаси, сўз заргари Тоғай Мурод анаву чинорларнинг илдизларидек чуқур томир отиб кетган ер боласининг ҳеч қайтарилмас қиёфасини чизган...

Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов Тоғай Муроднинг халқ олдидаги, адабиёт олдидаги ҳалол хизматлари учун «Халқ ёзувчиси» деган унвон билан тақдирлади. Абдулла Қодирий номидаги баланд даражали мукофот лауреати деган унвонга лойиқ кўрди.

Тоғай она-юртининг камалакдаги етти ранги акс этган хонатлас мисоли сувратини чизиб кетди.

Тоғай Сурхоннинг мунгли ва шу билан бирга шўх, жўшқин қўшиқларини куйлаб ўтди.

*Давоми. Боши ўтган сонда.*

*Спорт*

# 2004 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРЬ

## ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ТАРИХИДА УНУТИЛМАС КУНЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ



Бугун ер куррасининг барча ҳудудида миллионлар ўйини — футбол тез суръатларда ривожланмоқда. Сўнгги йилларда футбол бўйича ўтказилган қитъа ва жаҳон чемпионатлари натижалари ҳам буни билдириб турибди. Айни пайтда Осиё қитъаси жамоаларидан бири Европанинг номдор клубларини мағлубиятга учратса, ҳеч ким ажабланмайди.

Истиқлол шарофати билан жаҳон футболи усталари даврасига қўшилган ўзбек футболчилари ўн йилдирки, халқаро мусобақаларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 1994 йил Хиросимада ўтказилган XII Осиё ўйинларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ғолибликни қўлга киритиб, бутун қитъа футбол ишқибозларини лол қолдирганди.

Айниқса, шу йилнинг июль ойида Хитойда ўтказилган XIII Осиё чемпионатида чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш этган миллий терма жамоамиз мухлислар меҳрини қозонди.

Мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни янада ривожлантириш борасида улкан амалий ишлар олиб борилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Осиёда кучли тўрт терма жамоадан бири сифатида эътироф этилиб, 2003 йил Бирлашган Араб амирликларида уюштирилган жаҳон чемпионатида Аргентина, Испания, Мали сингари дунёга танилган терма жамоаларга қарши муносиб тўп сурганликлари сўзимиз исботидир.

Юқорида ушбу мақоламизни бежизга **«2004 йил 17 сентябрь...»**, деб номламадик. Чунки, айнан шу куни пойтахтимизда ўзбек футболи тарихига дахлдор хайрли ишга қўл урилди. Аниқроғи, мамлакатимиз футболи билан яқиндан танишиш мақсадида 16-17 сентябрь кунлари ФИФА президенти Йозеф Блаттер раҳбарлигида жаҳоннинг бир гуруҳ таниқли футбол мутахассислари илк маротаба юртимизга ташриф буюрди. Осиё Футбол конфедерацияси президенти Муҳаммад бин Ҳаммам, ОФК ва ФИФА аъзолари Саад ал-Абдулла, Меҳад Али ал-Мешад, Ғай Филлип Метью, Ева Паскуер, Дэвид Аусседл ҳамда Валерий Чухрийлар ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги бир қатор спорт мажмуалари, стадионларни кўздан кечирган жаҳон футболи раҳбари мамлакатимизда спортнинг бу турини янада юксалтириш борасида ижобий ишлар олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

— Айни чоғда Ўзбекистоннинг ФИФА рейтингида 205 давлат ўртасида 51-ўринни эгаллаб турганлиги мамлакатингизда футбол жадал ривожланаётганлигидан дарак бериб турибди, — деди Йозеф Блаттер оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтган матбуот анжуманида. — Ишонаманки, кўплаб иқтидорли футболчиларни тарбиялаган ўзбек футболи ўз анъанасини давом эттираверади. Бу хайрли ишни Халқаро футбол уюшмаси ҳам қўллаб-қувватлайди. Шу мақсадда биз Ўзбекистонга «Гол» бутунжаҳон лойиҳасини олиб келдик. Жаҳон андозалари асосида барпо этиладиган мазкур янги спорт мажмуаси қиймати 400 минг АҚШ долларини ташкил этади. Асосан болалар футболини ривожлантиришга хизмат қилувчи ушбу стадион майдонига сунъий қопламалар ётқизилади. Шунингдек, мазкур янги спорт иншоотидан Ўзбекистон Футбол федерацияси бош штаби биноси ҳам жой олади.

17 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Пахтакор» стадиони камондан отиш машғулотлари майдонида маҳаллий футбол мактаби тарбияланувчилари, мураббийлар, фахрий спортчилар, мухлислар билан қитъа ва жаҳон футболи раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда ФИФА ва ОФК президентлари йиғилганлар билан самимий мулоқот ўтказиб, эсдалик учун суратга тушдилар. Сўнгра, Йозеф Блаттер ва Муҳаммад бин Ҳаммам «Пахтакор» футбол мактаби тарбияланувчиларига «Гол» бутунжаҳон лойиҳаси бўйича олиб келинган тўпларни совға қилди. Янги спорт мажмуаси учун муносиб ва энг мақбул жой, деб топилган ушбу майдонда ФИФА президенти Йозеф Блаттер ЎФФ бош котиби Бахтиёр Раҳимовга қурилиш ишлари бугун-эрта бошлаб юбориладиган сунъий қопламали стадионнинг илк рамзий ғиштини тантанали равишда топширди.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**

**Суратда:** Блаттер ва бин Хаммам тантана қатнашчилари балан.

*Интер-спорт*

## ХОПКИНС АЙТГАНИНИ ҚИЛДИ

Шанба куни Бернард Хопкинс билан Оскар Де Ла Хоя ўртасида биринчи ўрта вазн бўйича мутлақ жаҳон чемпионлиги учун учрашув бўлиб ўтди. Бернарднинг ғалабаси билан якунланган бу жангдан кейин ўтказилган матбуот йиғилишида боксчилар ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар. Биринчи марта кучли нокаут зарбига учраган Оскар шундай дейди: «У мени қийин аҳволга солиб қўйди. Тўғриси, биқинимга зарба берди. Мен қандай бўлмасин оёққа туришга ҳаракат қилдим. Лекин бунинг иложи бўлмади. Бўлмаса, илгарилари ҳам жигаримга зарба беришган. Лекин, бунақанги зарбни кўрмаганман». Хопкинс эса: «Бу ғалаба ва зарба мен учун унутилмас бўлиб қолади. Мен Оскарни биринчи бўлиб нокаутга учратувчи боксчи бўламан, деб айтган эдим. Сўзимнинг устидан чиқдим. Аммо, Оскар ёмон жанг қилмади».

## ТАЙСОН ОЁҚҚА ТУРМОҚДА

Ўта оғир вазнли собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон бир ярим ой илгари Дэнни Вильямс билан жанг чоғида тиззасидан жароҳатланганди. Яқинда у Лас-Вегасга ташриф буюрди. Ўзи эса Аризон штатида истиқомат қилмоқда. Бу ерга Оскар Де Ла Хой билан Бернард Хопкинс ўртасидаги жангни кузатгани келган. Мухлислар даврасида суратга тушиб, дастхатлар улашди. Ҳозир унинг оёғи айтарли тинчини бузмаётган экан. Тез орада машқларни бошлаб юборади. Тайсоннинг сўзига қараганда, декабрь ойида яна рингга кўтарилиши мумкин.


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 1061
7837 nusxada bosild[i]
t — Тижорат матери[а]ли
O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA



RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ САРМОЯДОРЛАРИ!

КЎЧМАС МУЛК ЭГАСИ БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ» МЧЖГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ВА «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2003 ЙИЛ 26 АВГУСТДАГИ 368-СОНЛИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ПАСАЙИШ МЕХАНИЗМИГА АСОСАН ҚУЙИДАГИ МУЛКЛАР МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ЭЛЕКТРОН БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИ

| Объектнинг номи | Объектнинг манзили | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|
| «O'ZDAVSUVLOYIHA» мелиорация ва сув хўжалиги лойиҳа-қидирув илмий-текшириш институтига қарашли «Ширин булоқ» болалар соғломлаштириш лагери | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимбайлик» К.Ф.Й. | 109 636 077 |
| «O'ZDAVSUVLOYIHA» мелиорация ва сув хўжалиги лойиҳа-қидирув илмий-текшириш институтига қарашли «Тошкент» денгизи ҳудудида жойлашган дам олиш маскани | Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани | 26 653 290 |
| «DONMAHSULOTLARIILMIY ISHLAB CHIQARISH MARKAZI» МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 25,01% давлат улуши | Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, М.Ашрафий кўчаси, 106А-уй | 18 964 608 |
| «АВИАЛЬ» Кичик давлат корхонаси | Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Авиагородок | 10 242 400 |

Шунингдек, марказлаштирилган электрон биржа савдоларига қуйидаги давлат объектлари қўйилади:

| Объектнинг номи | Объектнинг манзили | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|
| «PENT-UZ» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Низом жамғармасининг 43,5 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси, 30-берк кўча, 79-а уй. | 1 319 330 500 |
| «O'ZQISHLOQLOYIHA» МЧЖнинг 25 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпон-ота, ц-мавзеси. | 6 667 560 |
| «Ташинтерм» МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Хитой қўшма корхонасининг Низом жамғармасидаги 58,0 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Дилкаш кўчаси, 2-уй. | 1 040 909 245 |
| 1-Тошкент Давлат медицина институтига қарашли 4 қаватли, майдони 5333 кв.м. бўлган собиқ 7-сонли ётоқхона биноси | Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Хўжаев кўчаси, 42-уй. | 125 334 300 |
| «SUVQURILISH» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасига қарашли Кичик механизация бошқармаси мол-мулки (биносиз) | Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 9-уй. | 564 000 |
| «Politex-sport» шуъба корхонаси | Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Университет, 2-уй. | 115 000 |
| «SARBON-SARI» давлат унитар корхонаси | Юнусобод тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 23-уй. | 671 600 |
| «RALLI-SPORT» МЧЖ шаклидаги спорт-техника корхонасининг 90 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 6-уй. | 8 620 560 |
| «O'ZDAVTIBLOYIHA» тиббий муассасаларни лойиҳалаштириш ва илмий текшириш Давлат институти | Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Х.Абдуллаев кўчаси, 30-уй. | 568 782 605 |
| «ICHTA'MINOTTRANS» МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, 2-уй. | 4 715 725 |
| Қурилиши тугалланмаган 86 хонадонли турар жой биноси | Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Нарзуллаев кўчаси, 40-«б» уй. | 427 600 169 |

***Шу билан биргаликда биржа савдоларига қўйилган бошқа кўчар ва кўчмас мулкларни харид қилишингиз мумкин.***
***Биржа савдоларида рўйхатдан ўтган малакали брокерлар объектни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.***

**Мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.**
**Телефонлар: 144-44-73. 144-71-78, 144-92-30.**

*Хизматлар лицензияланган.*